

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ ВА ЎРТА МАХСУС  
ТАЪЛИМ ВАЗИРЛИГИ  
ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ИҚТИСОДИЁТ УНИВЕРСИТЕТИ**

**“ТАСДИҚЛАЙМАН”**

Тошкент давлат иқтисодиёт  
университети

илмий ишлар ва инновациялар

бўйича проректор

Г.К. Абдурахманова

2021 йил



**08.00.13 - “Менежмент”**

ихтисослиги бўйича таянч докторантурага кириш имтиҳони

**ДАСТУРИ**

**ТОШКЕНТ -2021**

- Тузувчилар:** Н. Йўлдошев - ТДИУ “Менежмент” кафедраси мудир, и.ф.д., профессор  
Д.Юсупова– ТДИУ “Менежмент” кафедраси доценти, и.ф.н.  
Б.Ўринов - ТДИУ “Корпоратив бошқарув” кафедраси мудир, PhD
- Такризчилар:** Ф.Х. Назарова – ТМИ “Менежмент” кафедраси профессори, и.ф.д.  
М.Ғ.Умарходжаева – ТДИУ “Корпоратив бошқарув” кафедраси доценти, и.ф.н.

### Кириш

Иқтисодийни модернизациялаш шароитида ишлаб чиқариш корхоналарини бошқаришда ўзгариб турувчи рақобат муҳити ва бозор шароитларини илғаб олиш, уларнинг моҳияти ҳамда қонуниятларини чуқур таҳлил қилиш, стратегик қарорлар қабул қилиш, кўп вариантли ечимлардан муқобил ечимни танлаш, таваккалчилик ва ноаниқлик шароитида стратегияни тўғри танлаш ҳар бир корхона учун долзарб масаладир. Ишлаб чиқариш корхоналарида тўғри қарорлар қабул қилиш ва бу қарорларнинг бажарилишини таъминлашда менежментнинг илмий ёндашувлари ва тамойилларини ўрганиш муҳим аҳамият касб этади.

Мамлакатимиз Президенти Ш. Мирзиёев таъкидлаганларидек, “Ҳаётнинг ўзи ва халқнинг талаблари бизнинг олдимизга амалий ечимини топиш лозим бўлган янги ва янада мураккаб вазифаларни қўймоқда. Бу ўринда асосий муаммо, менинг назаримда, қуйидагилардан иборат. Биринчидан, айрим идоралар ва уларнинг раҳбарлари реал ҳаётдан ва халқ эҳтиёжларидан маълум даражада узилиб қолмоқда. Иккинчидан, тармок ва ҳудудларни ривожлантириш концепциялари ва дастурларини ишлаб чиқишда юзаки ёндашувга йўл қўйилмоқда. Ва ниҳоят, учинчи асосий камчилик – кўпчилик раҳбарларнинг мураккаб муаммоларни кабинетдан чиқмасдан, иқтисодий тармоқлари, ҳар бир корхонадаги, шаҳар ва туманлардаги, айниқса, қишлоқ жойлардаги ишлар қандай ахволда эканини чуқур ўрганмасдан ҳал этишга одатланиб қолгани билан боғлиқ”<sup>1</sup>. Шу сабабли ушбу фаннинг мақсади – бўлажак менежер мутахассисларда бозор шароитида корхоналарни замонавий бошқариш усуллари, ижтимоий жараёнлар тенденциялари ва асосий молиявий - иқтисодий кўрсаткичларини башорат қилиш, олинган натижаларни иқтисодий талқин қилиш бўйича бошқарув қарорларини қабул қилиш учун етарли билим, кўникма ва малакаларни шакллантиришдан иборат.

Мутахассисликнинг асосий вазифалари қуйидагилардан иборат:

– иқтисодийни модернизациялаш шароитида ишлаб чиқариш корхоналарини бошқариш ва уни барқарор ривожлантириш, қарорларни қабул қилиш ва уни амалга ошириш усуллари амалиётда қўллаш, корхонанинг ижтимоий-иқтисодий кўрсаткичларини таҳлил қилиш, ишлаб чиқариш жараёнларини ташкил қилиш ва уни иқтисодий ривожлантириш бўйича оптимал йўналишларини аниқлаш ва бошқариш тамойилларини, иқтисодий тизимлар фаолиятининг самарадорлиги ва унга таъсир қилувчи омилларни, рақобат шароитида оптимал бошқарув қарор қабул қилиш усуллари ўргатиш;

– ишлаб чиқариш корхоналарининг молиявий - иқтисодий ҳолатини таҳлил қилиш ва хулосалар чиқариш, ишлаб чиқариш жараёнлари тўғрисидаги маълумотлар асосида ривожлантириш дастурларини тузиш ва улар асосида корхоналарни ривожлантиришнинг кўп вариантли ечимларини қабул қилишда илмий асосланган хулосалар чиқариш,

<sup>1</sup> Мирзиёев Ш.М. Танкидий таҳлил, катъий тартиб-интизом ва шахсий жавобгарлик - ҳар бир раҳбар фаолиятининг кундалик қондаси бўлиши керак. - Т.: Ўзбекистон, 2017. - 34 б.

замонавий бошқариш усуллари билишлари ва амалда қўллаш бўйича кўникмаларини шакллантириш;

– замонавий бошқариш усуллари, бошқариш механизмини тузиш бўйича назарий асосларни, менежмент самарадорлиги кўрсаткичлари ва уни баҳолаш усуллари ўрганишдир.

## **Асосий қисм**

### **Менежментнинг ривожланиш тарихи ва ҳозирги ҳолати**

Менежмент ривожланишининг тарихий шарт-шароитлари. Менежментнинг пайдо бўлиши. Машинали ишлаб чиқаришни ривожланиши. Бозор субъектларининг катта миқдорининг вужудга келиши, ҳажмининг ўсиши ва бозор алоқаларини кучайиши. Бошқарувга касбий ёндашув зарурлигини асослаб берувчи рақобатнинг ўсиши ва бозор иқтисодиётининг барқарорлиги. Йирик корпорацияларни пайдо бўлиши ва шунга кўра фақат ходимларнинг махсус аппарати бажариши мумкин бошқарув ишлари ҳажми ва мураккаблигининг кўпайиши. Мулкнинг акциядорлар ўртасида жамланиши, бунинг натижасида акциядорлик сармоясини бошқаришнинг янги вазифалари. Тадбиркорларни саноат инқилоби даврида яратилган техника афзалликларидан фойдаланишга ҳаракатлари. Менежментнинг илмий мактаблари. Илмий бошқарув мактаби. Бошқарувнинг классик ёки маъмурий мактаби. Бошқарувдаги инсоний муносабатлар мактаби. Ахлоқий фанлар ёки бихевиористик мактаб. Бошқарув фани мактаби ёки миқдорий усул. Вазиятли ёндашув. Тизимли ёндашув. Жараёنли ёндашув. Мамлакат бошқарувининг ривожланиши. Менежментнинг хорижий модели. Менежментнинг америкача модели. Менежментнинг япон модели. Менежментнинг Ғарбий Европа модели.

### **Менежментнинг назарий асослари**

Бошқарув ва менежмент. Молиявий менежмент. Инновацион менежмент. Савдо менежменти. Бошқарув (менежмент)нинг моҳияти ва тизими. Бошқарув тизимининг бошқарувчи ва бошқарилувчи тизимчалари. Тўғридан тўғри алоқа. Тесқари алоқа. Менежмент тизимининг тузилиши. Менежментга нисбатан ёндашувлар. Менежментнинг илмий ёндашувлари ва тамойиллари. Бошқарув усуллари. Маъмурий ёндашув. Қайта ишлаб чиқарувчи ёндашув. Динамик ёндашув. Интеграцияли ёндашув. Мажмуавий ёндашув. Маркетингли ёндашув. Меъёрий ёндашув. Ахлоқий ёндашув. Жараёнли ёндашув. Тизимли ёндашув. Вазиятли ёндашув. Вазифовий ёндашув. Менежмент тамойиллари. Меҳнат тақсмоти тамойили. Ваколатлар ва жавобгарлик тамойили. Интизом тамойили. Якка ҳукмронлик тамойили. Ҳаракатлар бирлиги тамойили. Шахсий манфаатларни бўйсиндирилиши тамойили. Ходимларни мукофатлаш тамойили. Марказлаштириш тамойили. Қояли занжир тамойили. Тартиб тамойили. Адолат тамойили. Ходимларнинг барқарорлиги тамойили. Ташаббус тамойили. Корпоратив рух тамойили.

### **Меҳнатни бошқариш усуллари**

Меҳнатни бошқаришнинг характери. Иқтисодий ўсишнинг ҳар хил босқичларида меҳнатни бошқариш турлари. Ф.Тэйлорнинг меҳнатни бошқариш усуллари. Меҳнатни технократик бошқариш. Саноатда бандликнинг умумий тамойиллари ва меҳнат муносабатларини ўрнатиш. Д.Макгрегорнинг “Х” ва “Ҳ” назарияси. Меҳнатни инновацион бошқариш. Меҳнатни инновацион бошқаришга ўтишнинг асосий омиллари ва шартлари. Корпорацияларда “Сифат тўғарақлари” ишчи гуруҳини ташкил этиш.

### **Менежмент технологияси**

Бошқарув жараёни. Бошқарув вазифалари. Режалаштириш. Мақсадлар. Ташкил қилиш. Мотивация. А.Маслоу бўйича эҳтиёжлар иерархияси. Мувофиқлаштириш. Бошқарувда ахборотлар ва коммуникациялар. Ташкилот ва ташқи муҳит ўртасидаги коммуникациялар. Ишлаб чиқариш ва бошқарув босқичлари бўйича бўлиналар ичидаги

коммуникациялар. Шахслараро коммуникациялар. Бўлинмалар ўртасидаги коммуникациялар. Норасмий коммуникациялар. Коммуникацион жараён. Коммуникацион тармоқларнинг намуналари. Бошқарув қарорлари. Қарорни бажарилишини ташкил қилиш. Қарорни бажарилиши устидан назорат қилиш, фаолият ва қарорга тузатишлар киритиш. Қарорни бажариш бўйича фаолиятни баҳолаш.

### **Ташкилотлар ва уларнинг бошқариш**

Ташкилотлар тушунчаси ва уларнинг тавсифи. Ташкилотнинг яшаш даври. Ташкилотларнинг ички муҳит. Ташкилотларнинг ташқи муҳити. Ташкилот ички ва ташқи муҳитининг омиллари ва ўзгарувчанлари. Ташкилотлар фаолиятини туркумлаштириш. Ташкилий тузилмаларнинг турлари. Ташкилотнинг ташкилий тузилмаси. Меҳнатни горизонтал бўлиниши. Меҳнатнинг вертикал тақсимланиши. Тўғри чизиқли тузилма. Бошқарувнинг вазифавий тузилиши. Тўғри чизиқли вазифавий тузилма. Бошқарувнинг тўғри чизиқли - штабли тузилмаси. Бошқарувнинг матрица тузилмаси. Дивизионал (ёки бўлимли) ташкилий тузилма. Маҳсулотли ташкилий тузилма. Минтақавий ташкилий тузилма. Истеъмолчига қаратилган ташкилий тузилма. Бошқарувнинг комбинациялаштирилган тузилмаси. Асосий ташкилий-ҳуқуқий шакллар. Масъулияти чекланган жамият. Қўшимча масъулиятга эга жамият. Акциядорлик (ҳиссадорлик) жамияти. Шуъба ва боғлиқ жамиятлар. Давлат унитар корхоналари. Нотижорат ташкилотлар. Матлубот кооперативи. Картель. Синдикат. Трест. Концерн. Консорциум. Саноат холдинглари. Тадбиркорлар уюшмалари. Виртуал корпорация. Ташкилотлар ривожланишидаги замонавий тенденциялар. Тармоқли ташкилотлар. Ташкилотларнинг янги турлари. Ташкилотларни стратегик бошқариш. Стратегик бошқарув тузилмаси.

### **Замонавий менежер**

Менежер: тушунчаси, шахсий ва ишга доир сифатлари, вазифалари. Корхона менежерларининг даражалари. Менежер ва етакчи. Етакчининг анъанавий концепцияси. Менежернинг етакчидан фарқи. Етакчилик сифатлари назарияси. Етакчилик хулқи концепциялари. Вазиятли етакчилик концепцияси. Танненбаум-Шмидт етакчилик хулқи континууми (узлуксизлиги). Вазиятли етакчилик моделлари (Ф. Фидлер). Херсей ва Бланшарларнинг вазиятли етакчилик модели. Хауз ва Митчелларнинг “йўл-мақсад” етакчилик модели. Врум-Иеттона-Яголарнинг қарорлар қабул қилишнинг вазиятли модели. Етакчиларни янги концепциялари. Атрибутли (белгили) етакчилик концепцияси. Харизматик етакчилик концепцияси. Тубдан ўзгартирувчи етакчи концепцияси. Менежернинг услуги. Раҳбарлик услубларининг мазмуни. Раҳбарликнинг демократик услуги. Ишга доир этика ва этикет. Менежернинг имиджи. Имидж тушунчаси. Ишбилармонлик этикаси. Нутқ маданияти. Ишбилармонлик этикетининг миллий хусусиятлари.

### **Бошқарув меҳнатини ташкил қилиш**

Бошқарув меҳнати: таърифи, хусусиятлари, турлари Эвристик меҳнат. Маъмурий меҳнат. Оператор меҳнати. Бошқарув меҳнатини илмий ташкил қилиш. Раҳбарни ўзини ўзи бошқариши. Менежмент томонидан вақтдан ва ўз имкониятларидан кўпроқ фойдаланиш. Унинг ўзининг соғлиғини сақлаш ва мустаҳкамлаш. Ҳаётни боришини онгли равишда бошқариш. Ҳам ишдаги ва ҳам шахсий ҳаётидаги ташқи ҳолатларни енгиб ўтиш. Ўзини ўзи бошқариши доираси. Мақсадларни қўйиш. Ишлаш қобилиятининг ўртача статистик ўзгаришлари. Ахборот билан ишлаш. Телефондаги сўзлашишлар. Ёзишмаларни рационал олиб бориш. Менежер фаолиятини режалаштириш ва ташкил қилишнинг қуроллари.

### **Ташкилот ходимларини бошқариш**

Жамоа тушунчаси, турлари, шаклланиш босқичлари. Меҳнат жамоаси. Таъсир ўтказиш ва ҳукмронлик. Мажбур қилишга асосланган ҳукмронлик. Мукофотлашга асосланган ҳукмронлик. Экспертли ҳукмронлик. Намуна ёки харизма ҳукмронлиги.

Қонуний ҳукмронлик. Ресурсларга эгаллик қилишга асосланган ҳукмронлик. Ахборотларни олиш ва улардан фойдаланишга асосланган ҳукмронлик. Низоларни бошқариш. Низоларнинг вазифалари. Шахс ичидаги низо. Шахслараро низо. Шахс ва гуруҳ ўртасидаги низо. Гуруҳлараро низо. Картография усули. Низонинг картаси. Низоларни ҳал қилишнинг таркибий усуллари. Низоларни ҳал қилишнинг шахслараро усуллари. Ходимларни бошқариш. Ходимларни танлаш. Ходимларни танлашнинг ички ва ташқи манбаларини солиштириш. Менежернинг ишбилармонлик сифатларини баҳолаш. Мартабани бошқариш. Ходимлардан фойдаланиш.

### **Корхона қудратини бошқариш**

Корхона қудратини бошқариш технологиясининг босқичлари. Корхона қудратидан фойдаланиш динамикаси ва самарадорлигининг тузилишини, унинг бозордаги улушини баҳолаш. Корхона қудратини рақобатбардошлигини баҳолаш. Корхонанинг иқтисодий қудрати. Корхона қудратини резервлари ва йўқотишларини таҳлил қилиш. Корхона қудратини рақобатбардошлигини ошириш бўйича стратегия ва тактикани танлаш. Танланган стратегия ва тактикадан келиб чиққан ҳолда корхона қудратининг рақобатбардошлигини ошириш бўйича тадбирларни ўтказиш.

Корхона қудратининг рақобатбардошлиги. Индикаторли усул. Матрица усули. Корхона қудрати қобилияти контурининг матрицаси. Корхона қудрати самарадорлиги резервлари. Корхона қудрати рақобатбардошлигининг тузилиши ва динамикаси.

### **Корпоратив бошқарув назариясининг ривожланиш босқичлари**

Фирма назарияси. Трансакцион харажатлар назарияси. Агентлик назарияси. Йенсен-Меклинг назарияси. Модильяни-Миллер назарияси. Тироль назарияси. Стейкхолдерлар назарияси.

### **Корпоратив бошқарувнинг замонавий амалиёти ва моделлари**

Корпоратив бошқарувнинг халқаро тамойиллари. Корпоратив бошқарув моделлари. Корпоратив бошқарувнинг инглиз-америка моделлари. Корпоратив бошқарувнинг Германия модели. Корпоратив бошқарувнинг Япон модели.

### **Корпоратив бошқарув тамойиллари ва уларни тадбиқ қилиш механизмлари**

Корпоратив бошқарув тамойиллари. Адолатлилик тамойили. Очқиклик, ошқоралик тамойили. Ҳисобдорлик тамойили. Жавобгарлик тамойили. Кузатув кенгаши ва давлатнинг ишончли вакиллари. Акциядорлик жамиятларида корпоратив бошқарув тузилмаси.

### **Ўзбекистон Республикасида корпоратив бошқарувнинг ҳуқуқий асослари**

Акциядорлик ҳуқуқининг асосий элементлари. Корпоратив ҳуқуқ тушунчаси. Ўзбекистон Республикаси Президентининг "Акциядорлик жамиятларида корпоратив бошқарувнинг замонавий усуллари жорий этишнинг чора-тадбирлари тўғрисида"ги 4720-сонли Фармони. Корпоратив бошқарув Кодекси. "Акциядорлик жамиятлари ва акциядорларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш тўғрисида", "Масъулияти чекланган ва қўшимча масъулиятли ташкилотлар тўғрисида" Ўзбекистон Республикаси Қонунларининг мазмуни.

### **Корпоратив стратегия ва ижтимоий масъулият**

Корпоратив стратегия. Стратегик режалаштириш тизими. Умумий стратегия. Корпоратив раҳбарият. Корпоратив ижтимоий масъулият.

### **Корпоратив бошқарув органлари фаолияти**

Акциядорларнинг умумий йиғилиши. Кузатув кенгаши (Директорлар кенгаши); Ижроия органи. Акциядорлар ва манфаатдор шахслар. Директорлар йиғилиши: таркиби ва

тузилмаси. Мустақил директорлар. Корпоратив котиб. Корпоратив хулқ.

### **Корпоратив бошқарув стратегиялари ва тузилмалари**

Кўшилиш (кўшиб олиш). Бирлашиш. Тугатиш. Ўзгартириш. Таксимлаш. Ажратиш. Корпорацияларнинг интеграция турлари ва типлари. Корпоратив тузилмалар тузишнинг ташкилий турлари. Холдинг, МСГ, Концерн, Консорциум, Синдикат, Картель, Трест, Ассоциация.

### **Давлат улуши мавжуд корпоратив тузилмаларда корпоратив бошқарув тизими**

Америка модели. Олтин акция. Давлат улуши. Депозитарий. Номинал қиймат. Холдинг, монополия. Профессионализм. Давлат акция пакети.

### **Корпоратив бошқарувда ахборотларни ошкор этиш ва шаффофликни таъминлаш**

Ахборотни ошкор этиш, зарурияти, турлари ва шакллари. Корпорациянинг ҳисобдорлиги, тижоратсири ва корпоратсияларда ахборотни ошкор этиш. Корпоратив битимлар. Аффилланган шахслар билан тузиладиган ва манфаатдорлик асосидаги битимлар. Йирик битимларни тузиш жараёнлари. Аксиядорлик жамиятларида “Ахборот сиёсати” тўғрисидаги Низомининг аҳамияти.

### **Корпоратив бошқарувда қимматли қоғозлар муомаласини ташкил этиш асослари**

Қимматли қоғозлар бозори, қимматли қоғозларнинг турлари, акцияларнинг эмиссияси, биржа котировкаси, брокерлик фаолияти, Листинг тушунчаси. Эмитентлар. Эмитент вазифалари. Акция, облигация, вексел. Фонд биржаси. Қимматли қоғозлар бозорининг профессионал иштирокчилари.

### **Листинг компанияларни бошқаришда корпоратив бошқарувнинг ўрни**

Листинг. Қимматли қоғозлар листинги. Листинг классификацияси. Акциялар листинги. Биржа битимини рўйхатдан ўтказиш ва расмийлаштириш.

### **Корпоратив маданият ва корпоратив низолар**

Корпоратив маданият, корпоратив маданият турлари, корпоратив низо. Корпоратив низоларни тартибга солиш. Корпоратив низоларнинг вужудга келиш сабаблари.

### **Корпоратив бошқарув тизимида назорат органлари фаолияти**

Корпоратив бошқарув тизимида назорат органлари, тафтиш комиссияси, ташқи аудиторлик ташкилоти, ички аудит хизмати. Назорат, Контроллинг, Мониторинг, Консалтинг. Корпоратив бошқарув тизимида ахборот ва коммуникациялар.

### **Корпоратив бошқарувда рискларни бошқариш тизими**

Риски тушунчаси. Рискларни бошқариш тизими. Рискларни стратегик бошқариш. Рискларни аниқлаш, ўлчаш, таҳлил қилиш, бошқариш. Рискларни комплекс бошқариш тизимининг алоҳида элементлари.

### **Корпоратив тузилмаларнинг молиявий фаолияти**

Аксиядорлик жамиятининг устав фонди, Аксиядорлик капитали, қўшимча капитал, захира капитали, корхонанинг тўпланган фойдаси. Молиявий ҳисоботларнинг шакллари, Ҳиссадорлик капиталининг қиймати. Дивидендлар. Тўланмаган (олинмаган) дивидендлар. Дивидендларни тўлашга доир чекловлар. Дивидендлар тўланиши ҳақида акциядорларни хабардор қилиш.

## **Корпоратив тузилмаларнинг қайта ташкил этиш турлари ва тугатиш тартиби**

Корпоратив тузилмалар ривожланишининг интеграцион стратегиялари. Акциядорлик жамиятларини ташкил этиш, акциядорлик жамиятларни тугатиш. Жамиятни ташкил этиш усуллари. Жамиятнинг муассислари. Жамиятни давлат рўйхатидан ўтказиш.

## **Фойдаланиладиган асосий дарсликлар ва ўқув қўлланмалар рўйхати**

### **Асосий адабиётлар**

1. Йўлдошев Н.Қ. Менежмент. Дарслик. Т.: ТДИУ, 2019 й.
2. Йўлдошев Н.Қ., Набоков В.И. “Менежмент назарияси”. Дарслик. Т.ТДИУ, 2013.- 433 б.
3. Йўлдошев Н.Қ. Менежмент. Ўқув қўлланма. Т.: ТДИУ, 2006 й.-150 б.
4. Kucharov A.S. Menеjment . O`quv qo`llanma. T.:TDIU, 2009 y. -120 b.
5. Шарифходжаев М. Менежмент. Дарслик. Т.: Ўқитувчи, 2002.-464 б.
6. Ricky W.Griffin. Fundamental of management. 8 th Edition. 2015.-510 p.
7. Richard L.Daft. Management. Ninth edition. 2010. y. 699 p
8. Мескон М.Х. и др. Основы менеджмента. 3- е издание: Пер. с англ.- М.:ООО «И.Д. Вильямс», 2008.- 672 с.
9. Bob Tricker – Corporate Governance, Principles, Policies and Practices, 3rd edition, Oxford. 2019.
10. Умарходжаева М.Г.. Замонавий корпоратив бошқарув. Ўқув қўлланма. 2019
11. Умарходжаева М.Г., Алладустов Р.Д. Корпоратив рискларни бошқариш. 2019
12. Карлибаева Р.Х. ва бошқалар. Корпорациялар молияси. Ўқув қўлланма. 2019
13. Уринов Б.Н. Корпоратив бошқарув жараёнларини иктисодий математик моделлаштириш. Ўқув қўлланма. 2019

### **Қўшимча адабиётлар**

1. Мирзиёев Ш.М. Буюк келажакимизни мард ва олижаноб халқимиз билан бирга курашимиз. – Тошкент: “Ўзбекистон” НМИУ, 2017. – 488 б.
2. Мирзиёев Ш.М. Танқидий таҳлил, катъий тартиб-интизом ва шахсий жавобгарлик - ҳар бир раҳбар фаолиятининг кундалик қоидаси бўлиши керак. Т.: “Ўзбекистон”, 2017й.
3. Мирзиёев, Ш.М. Ўзбекистон Республикаси Президентининг Олий Мажлисга Мурожаатномаси. 29 декабрь 2020 йил. <https://president.uz/uz/lists/view/4057>
4. Глухов В.В. Менеджмент: Учебник. 3- изд.- СПб Питер, 2009.- 608с.
5. Веснин В.Р. Менеджмент в схемах и определениях: Учебное пособие. – М.: Проспект, 2009. – 120 с.
6. «Акциядорлик жамиятлари ва акциядорларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш тўғрисида»ги ўзбекистон республикаси қонуни. ЎРҚ-370-сон 06.05.2014 <https://lex.uz/docs/2382409>
7. Тижорат банкларида корпоратив бошқарув тўғрисидаги низомни тасдиқлаш ҳақидаги Ўзбекистон Республикаси Марказий банки бошқарувининг № 3254 сонли қарори (30.06.2020) <https://lex.uz/docs/4888804>